



◆ 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия, Озарбайжон ва Япония билан инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.



◆ Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Лазиз Қудратов ва Хитойнинг мамлакатимиздаги Факултетида ва мухтор элчиси Юй Цзюнь ўртасида учрашув ташкил этилди.

◆ Таркибиди Ўзбекистонлик Шароф Эгамбердиев, Элдор Гафуров, Нодир Дадахонов ва Андрей Тарантин ҳам бўлган гуруҳ ўтган ҳафтада Элбрус чўққисига – 5642 метр баландликка кўтарилган. Бу ҳақда «Mysterious Uzbekistan» телеграм каналида хабар берилди.

◆ 31 июль куни Транспорт вазирлиги ҳамда Эрон Республикаси йўл ва шаҳарсозлик вазирлиги вакиллари ўртасида видеоконференция шаклидаги музокаралар ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Туркменистон ва Эрон ўртасида халқаро транспорт йўлларини ташкил этиш тўғрисидаги битимни имзолашни жаддалаштириш, Эрон ҳудудида халқаро автотранспорт қатновларида миллий ташувлардан ун-дирилладиган йиғимлар миқдорини камайтириш, экспорт ва импорт юклари учун «Бандар-Аббос» ва «Чабаҳор» портларидан фойдаланиш имкониятлари муҳофиза этилган.



◆ Хитойнинг Нанкин поли-техника институти вице-президенти Чжао Хушенг бошчилигидаги делегация Андижон маши-наасозлик институтида бўлди.

◆ Сирдарё шаҳрида EXEED автомобилли ишлаб чиқариш заводи ишга тушди. Заводда учта EXEED модели – LX, TXL ва VX асосида янги замонавий авто-мобиллар йиғилмоқда. Корхона бошқаруши 20 йилдан ортиқ таърифага эга бўлган ва кўп-лаб Ўзбекистон енгил автомашина-ларини дунёга танитган бренд ишлаб чиқарувчиси «Asaka Motors» га топширилди.



◆ Ахборот ва оммавий ком-муникациялар агентлигида Мак-табгача ва мактаб таълими ва-зирлиги фаолиятининг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Ўзбекистон касба уюшма-лари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотлар ўрта-сида ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-тан-ловининг Тошкент шаҳар босқи-

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2023-yil
1-avgust
seshanba
№ 98 (4850)

Ўзги соғломлаштириш

Мавсум қизғин давом этмоқда

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШ-МАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТО-МОНИДАН ЎЗГИ СОЎЛОМ-ЛАШТИРИШ МАВСУМИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда таъкидланганидек, бу-гунги кунда жорий йилги бола-ларни ўзги соғломлаштириш мавсуми қизғин давом этмоқда. Жорий йилнинг 25 июль ҳо-латига кўра, юртимиз бўйича жами 1121 та, жумладан, 196 та стационар турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳамда 922 та соғломлаштириш майдончаси фаолият кўрсат-моқда.

Бугунги кунгача стационар турдаги болалар соғломлашти-риш оромгоҳларида 133 минг 497 нафар, соғломлаштириш майдонча-ларида эса 139 минг 447 нафар, жами 272 минг 944 нафар бола соғлом-лаштирилди.

Республикаимиз ҳудудларидаги бола-лар соғломлаштириш оромгоҳларида турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ҳодим-лар фарзандларининг мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, кам таъмин-ланган, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилалар фарзан-длари, Меҳрибонлик уйи ва Оилавий болалар уйлари тарбияланув-чилари, «Аёллар дафтари», «Темир дафтар» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган оилалар фарзандларини имтиёзли соғломлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, корхона,



ташкилот ва муассасаларда ишлаётган ижтимоий ҳимояталаб ҳо-димларнинг фарзандлари жамоа шартномалари орқали имтиёзли ва бепул йўлланмалар билан таъминланмоқда.

Бугунги кунда оромгоҳларнинг аксарияти ўғил-қизларни на-фақат мароқли дам олдириш ва жисмонан чиниқтириш, балки

уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ривожлан-тириш, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича би-лим ва кўникмаларини мустақамлашга хизмат қилувчи марказ сифатида фаолият олиб бор-моқда. Оромгоҳларда барча қўлайликлар мавжуд. Маданият ва маърифат маркази, бой китоблар захирасига эга замонавий Ахборот-ресурс маркази, зарур кўр-газмали воситалар ва жиҳозлар би-лан таъминланган тўғарак хоналари, замонавий сузиш ҳавзаси, спорт ва болалар майдончалари, замона-вий лойиҳалар асосидаги ётоқ би-нолари, барча шарт-шароитлар ва қўлайликларга эга бўлган ошхона, ювиниш хоналари болажонларга хизмат қилмоқда. Мунтазам ра-вишда таълим-тарбиявий, маъна-вий-маърифий ва спорт тадбир-лари ўтказилляпти.

Болажонларнинг хорижий тил-лар ва компьютер бўйича билим-лари оширилмоқда. «Ёш китобхон-лар», «Хорижий тиллар», «Тасвирий санъат», «Моҳир қўллар», «Хунарманд-чилик», «Хореография», «Жисмоний тар-бия ва спорт», «Бисер тикиш» каби 10 дан ортиқ тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Оромгоҳ тиббиёт мажмуида эса ўғил-қиз-ларнинг саломатлиги доимий назорат қилиб бо-рилмоқда. Болажонлар саломатлигини мустақам-лаш мақсадида жаннатмакон диёримиз бағрида етиштирилган табиий ноз-неъматлар ва гиёҳлардан фой-даланган ҳолда дамламалар тайёрланиб, дармондориларга бой таомлар дастурхонга тортиқ қилинмоқда.

Мўҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

Халқаро ҳамкорлик



ШУШАДА ЯНГИ ТАШКИЛОТГА АСОС СОЛИНДИ

Озарбайжоннинг маданий пойтахти Шуша шаҳрида Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ўртасида Туркий давлатлар касба уюшмалари ташкилотини тузиш тўғрисида Битим имзоланди

2

Кўрик-танлов

52 та бошланғич ташкилот ЭНГ намунали деб топилди

сида уюштирилган бу танлов жа-раёнида фаолият самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ху-сусан, бошланғич ташкилотларда жамоа шартномалари тармоқ ке-лишувларига мос ҳолда тузилиши, уларнинг иш берувчилар билан ҳамкорликда бажарилиши, янги иш ўринлари яратиш, меҳнатга муносиб ҳақ тўланишида касба уюшмалари иштирокини таъмин-лаш, устав талаблари ҳамда меъ-ёрий ҳужжатлар асосида тўғри ва самарали фаолият юритиш, ходим-лар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жисмоний тар-бия ва спорт билан шуғулланиш-

лари учун шароитлар яратиш каби қатор йўналишлардаги ишлар эътиборга олинди.

– Аҳил жамоамиз аъзолари 100 нафардан ошди, – дейди танловда биринчи ўринни кўлга киритган Олмазор туманидаги 234-мактаб-нинг бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Наргиза Бойна-зарова. – Уларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, оила аъзоларини ҳам соғломлаштириш доимий вазифаларимиздан ҳисоб-ланади. Шунингдек, тез-тез мада-ний тадбирлар, спорт мусобақа-лари уюштирамиз. Мактабимиз волейбол жамоаси туманда ўтка-

зилаётган мусобақаларда бирин-чиликни кўлдан бермай келяпти. Биз келгусида ҳам ходимлар ман-фаатлари йўлида хизмат қилишдан тўхтамаймиз. Танловнинг респу-блика босқичида эса ғолиблар са-фидан ўрин олишга ҳаракат қила-миз.

Кўрик-танлов ғолиблари дип-лом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Равшан МАҲМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерациясининг
Тошкент шаҳар кенгаши
масъул ходими

Фикр



Адабиёт Ихлосманди (Ўзгир)

ЎҚИМАЙ ГАПИРМАНГЛАР, ИЛТИМОС!

Ҳар замонда бир кўзғалиб қолади «ўзбек адабиёти ривожланмаяпти, ўқийдиган асар йўқ» деган сافсаталар. Ўзбек адабиёти – уни ўқимаётганлар учун йўқ! Баъзи ёзувчиларнинг ҳатто исмини ҳам эшитмаган ўша ёзғирчилар. Ўзлари мактаб пайтида эсида қолган ижодкор-ларгина бор, бошқа ижод қилинмай қўйилди ўзбек адабиётида деб ишонишади. Уялиш-майди шундай жиддий даъвони қилишга. Ўз-бек адабиётида асар йўқ эмиш! Аслида ўқир-ман йўқ! Ўқиб баҳосини берадиган мухлис йўқ!

Бугун ўқиб маза қиладиган асарлар жуда кўп. Жуда ҳам. Абдуқаюм Йўлдош, Исажон Султон, Сойим Исоқов, Зулфия Қуролбой қизи, Нормурод Норқобилов, Абдумурод Нурмурод, Азиза Исмоилова, Исмоил Шомуродов, Улуг-бек Ҳамдам, Назар Эшонкул, Чоршанби Деҳна-вий, Гулноза Эрназарова, Тўхтамурод Рустам, Дилбар Саидова, Нурали Қобул, Нодир Нормат, Меҳринисо Курбонова, Саломат Вафо, Моҳи-гул Назарова, Саъди Мавлави, Рисолат Ҳайда-рова, Ҳафиза Эгамбердиева, Қўчқор Норқо-бил, Жамила Эргашева, Собир Унар, Луқмон Бўрихон, Шойим Бўтаев... Айниқса, Бахтиёр Аб-дуғафурнинг асарлари ижтимоий тармоқларда қанчалаб марта муҳокама қилинди. Ҳатто ин-тернетни ҳам ўқишмайди булар! Ёшлардан Жавлон Жовлиев, Рухшона Аҳмедова, Анвар Суюн, Наргиза Асадова, Нодира Иброҳимова... Улар, шукрки, кўп ва истеъдодли. Яна қанча ке-рак? Мана, Гулнора Раҳмон деган истеъдодли ижодкор Facebookка асарларини жойлайди, таржима ва тақдиротларини улашиб боради. Ҳеч бўлмаса Facebookни ўқишмайди! Ўқимай гапираверар экан-да адабиёт йўқ деб. Ўзгал адабиёт бор. Фақат ўқийдиганлар йўқ.

Эсимга келганларни ёздим фақат. Аслида эса улар жуда кўп.



ШУШАДА ЯНГИ ТАШКИЛОТГА АСОС СОЛИНДИ



<<< 1

Туркий тилли давлатлар ўртасидаги ўзаро мулоқотлар, муаммо ва ривожланиш истикболларини биргаликда белгилаш, алоқаларни ривожлантиришга устувор масала сифатида қаралаётгани эътирофга лойиқ иш, албатта. Шуни алоҳида айтиш керакки, ташкил этилган илк йилларда, фақат мафкуравий рухият асосига қурилгандек таассурот уйғотган мазкур ташкилот – Туркий давлатлар ташкилоти бугунга келиб, чин маънода иқтисодий, ижтимоий-маданий халқаро институтга айланиб бораётганини кўришимиз мумкин. Бирлашманинг нуфузи, характери ва унга бўлган эътиборнинг ортишида Ўзбекистоннинг сезиларли таъсири бор. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Гап айти ташкилот ўз фаолиятини жадал кенгайтираётгани ҳақидадир. Бир замонлар қизиқиш доираси мафкуравий, очикроқ айтганда, кўпроқ этномаданий характерни акс эттирган бу ташкилот айти дамда барча жаҳонларда жуда фаол. Буни ташкилотга аъзо давлатлар касаб уюшмалари федерациялари ҳамкорлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу йилнинг 27-30 июль кунлари Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси делегациясининг Озарбайжонга ташрифи айти нуқтаи назардан тарихий аҳамият касб этди, дейиш мумкин.

Қирғоқларини Каспий денгизи ювиб турадиган Боку бир қарашда, ўзида ҳам Шарқ, ҳам Ғарб меъморий анъаналарини уйғунлаштирган шаҳар ўлароқ таассурот қолдирди менда. Кейинги йилларда шаҳарсозлик хийла ривожланган. Буни барча йирик постсовет кентларида учратадиганимиз совет анъанавий архитектурасининг кўздан панароққа ўтганида ҳам англаш мумкин. Кенг ва равон кўчалар, шаҳарнинг сокин ва озодалиги, меҳмонларнинг ўта маданият ва дид билан лойиҳалаштирилгани Боку ўзининг янги умрини бошлаётганидан дарак бериб турарди, гўё.

Ҳарорат Тошкентга нисбатан беш-олти даража пастроқ бўлса-да, ҳаво дим. Бу намликнинг юқорилиги ҳисобига бўлиши мумкин.

Делегациямиз пойтахтдаги «Fairmont» меҳмонхонасига жойлашди. Бу ерда биздан ташқари, туркиялик, қозоғистонлик ҳамда қирғизистонлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз ҳам кўним топишди. Вақт тиғиз бўлгани учун ишга тез киришилди. Федерациялар раҳбарларининг мулоқотларига тармоқ касаб уюшма вакиллари ҳам қўшилишди.

28 июль кунини тонгдан меҳмонларнинг Озарбайжоннинг биринчи президенти Ҳайдар Алиев мангу кўним топган Хотира майдонига ташрифи уюштирилди. Ушбу майдоннинг маҳобати қардош элнинг ўз улугларига бўлган чексиз эҳтироми рамзи ўлароқ



кишида чуқур таассурот уйғотиши табиий. Меҳмонлар майдонда дафн этилган Ҳайдар Алиев, умуман, Алиевлар сулоласи вақтлари, ушбу халқ тарихида ўзидан катта из қолдирган азиз инсонлар хотирасини ҳам ёдга олдилар.

Ушбу манзилга узоқ бўлмаган яна бир зиёратгоҳ – Шаҳидлар хотираси майдони меҳмонларнинг иккинчи қадамжоси бўлди. Мазкур майдон Озарбайжоннинг мустақиллиги ва озодлиги учун жонини қурбон қилган миллат қаҳрамонлари хотирасига барпо этилган. Суратлари қаторлаштирилиб тизиб чиқилган марҳум қаҳрамонларнинг ёшлари, ижтимоий мавқелари турлича бўлса-да, уларни бирлаштириб, бир жойга жамлаб турадиган бир сана бор: 1990 йил, 20 январь. Улар шу кунини ҳаётдан кўз юмганлар...

Албатта, «қайта қуриш» оёқлаб собиқ иттифоқ «қулаётган» кезларда бу ўлкада юз берган суронли воқеаларни кўпчилигимиз яхши эслаймиз. Озарбайжон халқига мустақиллик, бугунги озодлик ўз-ўзича келмаган. Унга катта йўқотишлар, ситамли айрилиқлар эвазига эришилган. Майдондан 1992 йилда Тоғли Қорабоғда бўлиб ўтган қонли тўқнашувлар қурбонла-

рига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Озар дўстларимиз ўзларига яқин деб билган биз қардошларни шу кунини Озарбайжон халқининг қалб кўри тикилган Тоғли Қорабоққа таклиф этишди. Бунда катта рамзий маъно бор эди, албатта. Очиги, пойтахтдан қарийб 400 қақирим нарида жойлашган бу ўлкага сафар Ватанини, унинг бир қарич ери, бир сиқим тупроғини муқаддас биладиган халқларимизнинг юртга бўлган садоқати, меҳрини ифода этиш учун ҳам арзирли манзил эди, назаримда. Манзил бўйлаб ўтган йигирма саккиз йиллик можароларнинг изларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳа, бу даҳшатли уруш ва нотинчликлар оқибати ўлароқ, минглаб хонавайрон қилинган уй-жойлар, бутун-бутун қишлоғу овуллар, ҳалигача «ёпик» муҳри урилган минглаб гектар минадан тозаланмаган ёки хавфли ҳисобланган далаю қир-адирларнинг кўз олдингизда намоён бўлиши одамни кўп ўй-хаёлларга етаклаши табиий эди. Бир пайтлар бу манзилларда еттига аҳоли пункти бўлган ва уларда қарийб бир миллион аҳоли яшаган.

Тоғли Қорабоғ деб номлашга ўрганилган ушбу ҳудудга кираверишда ҳар бир киши жиддий текширувдан ўтказилар экан. Буни тушуниш мумкин. Аммо қатъийлаштирилган тартиб-қоидалар ўз йўлига, бу ҳудудда ҳаётнинг қайта изга ту-



қияликлар ва пасту баландликлар устида қурилаётган маъмурий ва маиший-маданий бино-иншоотлари, мактаб ва боғчалари, сайёҳлик объектлари ҳам дид билан ҳамда узоқни ўйлаб, пишиқ-пукта ва замонавий талаблар даражасида бунёд этилмоқда. Мени, айниқса, шаҳар аҳлининг маданияти хурсанд қилди. Ҳали тўла асфальт ётқизилмаган кўчаларга чанг кўтарилмаслиги учун пешма-пеш сув сепилмоқда. Меҳмонхоналардаги шариитлар эса Европа стандартлари билан бемалол бўйлашади. Иморатлар яқин чорак асрда қайта тазмиргга эҳтиёж сезмайдиган даражада кўркам, салобатли ва энг муҳими, мустаҳкам қурилмоқда. Бу катта ютуқ.

Шуша тумани маъмурияти биносига Туркий давлатлар касаб уюшмалари Федерациялари ташкилотига асос солинди. Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон ва Қозоғистон касаб уюшмалари раҳбарлари ва вакиллари бу хусусдаги шартномани имзолдилар. Қирғизистон вакиллари кузатувчи мақомида бўлишди.

Ушбу ҳужжатни мамлакатимиз томонидан Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев имзолади. У маросимда сўзга чиқиб, қардош ҳамкасбларга Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ва беш ярим миллион аъзоси бор ташкилотимиз номидан қизгин салом ва табрикни етказар экан, янги ташкилотнинг таъсис йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклифини илгари сурди.

Бу воқелик муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Зеро, илдизи бир бўлган қардош халқлар ўртасидаги яна бир ҳамкорликка асос солинмоқда. Бундан буён ушбу ташкилотнинг мақоми белгиланиб, ўзаро ҳам-жиҳатликда низоми ишлаб чиқилади. Озарбайжон касаб уюшмалари федерацияси раиси Саттор Муҳибалиев ўз сўзида мазкур тарихий битимнинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, бу қадам давлат раҳбарларининг яқинлик ва ҳамжиҳатлик сари юз тутаётган изчил сиёсатига ҳамоҳанг тарзда амалга ошаётганини қайд этди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилотини янада ривожлантириш борасидаги ташаббусларини эътироф этар экан, ушбу шаҳарда Ўзбекистон томонидан қурилаётган мактаб айнан мана шу яқдилликнинг ўзига хос намунаси эканини таъкидлади.

Шушадан катта таассуротлар билан қайтаётганимизда кўнгиллимиздан ажиб ҳиссиётлар кечди. Халқимизда пурҳикмат ва асрлар оша ўз исботини топган гап бор: «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади». Агар юртада уруш бўлса-чи?... Озарбайжон қарийб 30 йиллик жароҳатдан энди тикланиш сари юз тутаётган бир оила, хонадон янглиғ намоён бўлмоқда эди.

Дарҳақиқат, юрт тинчлигига тенг келадиган бойлик йўқ.

Жараёнлар эса давом этади. Муҳими, биз ўз дўстларимизга янада яқинлашмоқдамиз. Хайрли бўлсин!

Ҳусан ЭРМАТОВ

Тошкент – Боку – Тошкент

Сўранг, жавоб берамиз...

ЎРИНДОШ КЎШИМЧА ИШ ҲАҚИ ВА МУКОФОТЛАРНИ ОЛМАЙДИМИ?

САВОЛ: Қариндошим бир корхонага ўриндошлик асосида ишга кирди. Ушбу корхонада асосий иш жойи бўлган ходимларга бериладиган кўшимча иш ҳақи ва мукофотлар «Ўриндошлик асосида ишлаётганларга ушбу тўловлар берилмайди» ёки «Бу турдаги тўловни фақат асосий иш жойингиздан олсиз», деган сабаблар билан унга тўлаб берилмапти. Шу тўғрисида?

Шоҳруҳ ЖЎРАЕВ

Ишбоскан тумани

ЖАВОБ: Ўриндошлик асосида ишлаш ходимнинг асосий ишидан ташқари алоҳида меҳнат шартномаси шартлари бўйича асосий ишидан бўш вақтида бошқа мунтазам ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир. Бу жараёнда ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади ва иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисидаги меҳнат шартномасида меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, шу жумладан, ходимнинг тариф ставкаси ёки маоши миқдори, кўшимча тўловлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловлар аниқ кўрсатилиши лозим.

Иш ҳақига туман коэффициентлари белгиланган туманларда ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш ушбу коэффициентларни ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ўриндошлик асосида ишлаш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ишлаб берилган вақтга мунасиб равишда, ишлаб чиқариш натижасига ёки меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа шартларга қараб қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори асосида ҳисоб-китоб қилинган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

Агар жамоа шартномасида ёҳуд иш берувчи томонидан касаб уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинган ўзга ички ҳужжатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ўриндошлик асосида ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари ва тизимлари, мукофотлар, кўшимча ҳақ, устамалар, рағбатлантирувчи тўловлар тўлаш мазкур иш ўзи учун асосий иш бўлган ходимларга белгиланган тартибда амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликда ходимга фақат асосий иш жойидан тўланиши мумкин бўлган қуйидаги икки турдаги тўловлар кўзда тутилган:

– ишни таълим олиш билан бирга олиб борувчи ўриндошлик асосида ишлаётган шахсларга кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари фақат асосий иш жойида берилди;

– меҳнат шартномасини алоҳида асосларга кўра бекор қилиш чоғида ходимларнинг ишга жойлашиш даври учун ўртача иш ҳақи фақат асосий иш жойидаги меҳнат шартномаси бекор қилингандан сақланади.

Бошқа барча ҳолатларда ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ҳамда меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ўзга кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари тўлиқ ҳажмда берилди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Farqona viloyati

Ғолиблар аниқланди

Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси тармоғи тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди.



Унда туман-шаҳар босқичида ғолиб бўлган бошланғич ташкилотлар раислари белгиланган мезон асосида ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб бордилар.

Якуний натижаларга кўра, касаб уюшма аъзолари 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида Риштон туманидаги 14-мактаб бошланғич касаб уюшма ташкилоти, касаб уюшма аъзолари 100 нафардан зиёд бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида Олтиариқ туманидаги 39-мактаб бошланғич касаб уюшма ташкилоти ғолиб деб топилди.

Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лолахон Аҳмедова томонидан ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

Эътироф

Қарши шаҳрида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи ғолиблари эълон қилинди ва тақдирланди.

Ишчанлик руҳида ўтди

Тадбирни Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев кириш сўзи билан очиб,



намунали бошланғич ташкилотлар ишини кенг тарғиб этишда танловнинг аҳамияти беқиёс бўлаётганини таъкидлади.

Буни исботи сифатида танловнинг дастлабки босқичларида 1008 та бошланғич ташкилот ҳужжатлари ўрганилганини эътироф этди.

Аъзолар сони 100 нафаргача бўлган ташкилотлар орасида вилоят қон қуйиш маркази, Қарши шаҳридаги 2-сонли ихтисослаштирилган давлат мактаб-гача таълим ташкилоти, Қарши касб-хунар мактаби, 2-махсус механизациялашган қўчма жамланмаси, «Ипак йўли» банкнинг Қарши филиали, «Китоб темир-бетон буюмлари» МЧЖ,

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Qashqadaryo viloyati

Яккабоғ туманидаги «Каттабоғ» маҳалла аҳли бир неча йилки, турли ташкилотлардан ичимлик сув ҳамда электр энергия таъминотидаги муаммолар ечими юзасидан амалий ёрдам сўрашади.

Оғриқ тишлар

СИМСИЗ УСТУНЛАР ВА СУВСИЗ ҚУВУРЛАР

Чала ишлардан чарчаган каттабоғликлар дардини кимга айтишни билмаяпти



– Кўчалардаги қўлбола симёғочларни кўрсангиз, кўрқиб кетасиз, – дейди шу маҳаллада яшовчи Хусан Зокиров. – Каттикроқ шамол эсган вақтда синиб кетган ҳолатлар ҳам бўлди. Кўчаларга бетон устунлар қадаш ва юкларларни камайтириш учун трансформатор пункти ўрнатиб беришларини сўраб, 5-6 йилдан бери мурожаат қиламиз. «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти директори А.Музапов имзоси билан бир нечта жавоб хатлари олдик.

Жавоб хатидан парча:

«...Маънан эскирган электр қурилмалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.11.2016 йилдаги «2017-2021 йиллар даврида паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2661 сонли қарорига асосан босқичма-босқич реконструкция-модернизация қилиб берилаётганлиги маълум қилиниб, сиз яшаётган манзилда таъмирталаб электр тармоқларини 2022 йил 1-чоракда амалга оширилиши мумкинлигини сизга маълум қиламан».

Ўтса-да, сим тортилмаган. 300 дан ошиқ хонадонга хизмат қилаётган трансформатор пунктининг қуввати етмаяпти. Аҳоли сонидан келиб чиқиб, яна битта трансформатор ажратишса, яхши бўларди.

Дарҳақиқат, кўчаларни айланар эканмиз, ўрнатилган бетон устунларга кабель тортилмаганининг гувоҳи бўлдик, кетмондастадан йўғонроқ симёғочларни кўриб, уларни тезда алмаштириш зарурлиги, акс ҳолда, бу хавфсизлик талабларига асло жавоб бермаслигининг шохиди бўлдик.

– Уч нафар фарзандим бор. Ўзим II гуруҳ ногирониман, – дейди шу маҳаллада яшовчи Шерзод Раҳимов. – Биз сувни солиб олиб ёки ташиб келиб ичамиз. 2021-2022 йилларда ичимлик сув иншоотларини куриш Инвестиция давлат дастурига кўра, маҳаллада қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Аммо 2021 йилнинг 4-чорагида бошланган иш охирига етмай қолди. Кетма-кет қилинган муружаатларимиздан сўнг, «Қашқадарё сув таъминоти» МЧЖ директори Х.Усмонов имзоси билан 2022 йил 29 августда қуйидагича мазмунда жавоб хат келди.

Жавоб хатидан парча:

«...Мазкур қурилиш ишлари «Гранд Самир Юксал» МЧЖ томонидан 2021 йилнинг 4-чорагида бошлаб юборилган эди. Маблағ тўлигича ажратилмаганлиги сабабли қурилиш ишлари маълум вақт тўхтаб қолганлиги аниқланди. Ҳозирги кунда маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Мазкур қурилиш ишлари жорий йилнинг 4-чорагида тўлигича тугатилиши, аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшилланиши тўғрисида фуқарога тушултирилди».

Ҳозир 2023 йилнинг ёз фасли. Фуқаро Шерзод Раҳимовнинг айтишича, гарчи маҳалла кўчаларига сув қувурлари ётқизибли, жўмраклар ўрнатилган бўлса-да, сувнинг ўзидан ҳамон дарак йўқ. Вазиятдан кўриниб турибдики, аҳолининг хафа бўлганича бор. Бетон устун ўрнатилса-ю, сим тортилмаса, «водопровод» жўмраги қўйилса-ю, унда сув бўлмаса, яна нима дейиш мумкин?

Албатта, ҳамма ишни бир йўла қилиб бўлмайди. Ҳар бир тадбир босқичма-босқич амалга оширилади. Аммо бу аҳоли ишонсизлигига сабаб бўлмаслиги керак.

Масъуллар буни тўғри тушунишлари ва камчиликларни тўлиқ бартараф этиш чораларини кўришлари шарт!

Юртимизда томорқа самарадорлигини янада оширишга уринишлар бошланганига беш йилдан ошди. Ҳукуматимизнинг 2018 йил 23 мартдаги «Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори томорқа ерларига муносабатни янги босқичга олиб чиққан муҳим омиллардан бўлди. Биргина Самарқанд вилоятида томорқачиларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, турларга қараб, 87 фоиздан 94 фоизга кўтарилди. Энг муҳими, давлатнинг соҳани ривожлантиришга йўналтирилган ушбу ташаббуси ўзини тўла оқлаб келмоқда.

Томорқадан самарали фойдаланганлар меҳнати алоҳида эътироф этилиб келинмоқда. Уларнинг кўпчилиги «Намунали томорқачи» кўкрак нишони билан тақдирланган. Касаба уюшмаси фаоли Исрофил Мамарасулов шулардан биридир.

мер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши масъулларидан саналган Фурқат Алиқулов. – Бу усулда иш юритиш эса туманимиздаги томорқаларнинг аксариятида йилига уч мартадан ҳосил олиш имконини бермоқда.

Бир пайтлар томорқачилик бўйича ортда бўлган Оқдарё туманида ҳам аҳвол ўзгарди. 33 минг 691 та хонадон тасарруфидagi 4 минг 47 гектар ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш барқарорлашди. Натижада бу борадаги режалар ўз муддатида бажарила бошланди. Масалан, биргина жорий йилнинг ўтган даврида 39,556 тонна сабзавот, 19,592 тонна картошка, 560 тонна дуккакли дон, 3069 тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди.

– Хусусий томорқаларнинг эртак экинлардан бўшаган жами 1132 гектарлик қисмига такрорий экин сифатида сабзавотлар экилди, – дейди туман Фермер,



Томорқадан самарали фойдаланганлар меҳнати алоҳида эътироф этилиб келинмоқда. Уларнинг кўпчилиги «Намунали томорқачи» кўкрак нишони билан тақдирланган. Касаба уюшмаси фаоли Исрофил Мамарасулов шулардан биридир.

– Ўзбекистон қишлоқларида лоақал бир парча томорқаси бўлмаган хонадонни учратиш даргумон, – дейди биз билан суҳбатда у. – Бироқ сўнгги вақтларда айрим ҳамюртларимиз улардан оқилона фойдаланишга эътибор бермай қўйишганди. Ҳукумат қарори эса ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Масалан, бундан беш-олти йил олдин қишлоғимиздаги томорқаларга асосан маккажўхори экиларди. Эндиликда улардан йилига уч мар-

талаб ҳосил олаётганлар бор. Мен ҳам томорқамнинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш пайида бўламан. Бойбўта қишлоғида яшовчи Маҳмуд Зокиров хонадонида ўтган қиш чилласида ҳам помидор пишди. Оила аъзолари унинг ҳар килосини бозорда 32 минг сўмданга сотишди. Ҳалол меҳнат орқали орттирилган соф даромад рўзғорга қут-барака киритди.

«Мустақиллик» маҳалласида истиқомат қилувчи Умар Ўроков ҳам ерга астойдил меҳр қўйганлар жумласидан. Шу боис «Намунали томорқачи» нишони билан рағбатлантирилган.

Албатта, эл дастурхони тўкин-сочин бўлиши йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги яхши гапларни эши-

Мавзуга қайтиб...



СУҲБАТ АСНОСИ БИЛДИККИ, ЗАЛДАГИ ЎРИНДИКЛАР 40 ЙИЛЧА БУРУН ЎРНАТИЛГАН. ЯҚИНДА 15-ҚАТОРГАЧА БЎЛГАН ЖАМИ 1050 ТА ЎРИНДИҚ САРОЙ ҲИСОБИДАН ҚАЙТА ТАЪМИРЛАШГА БЕРИЛДИ. ҚОЛГАНЛАРИ ЯНГИЛАНИШИНИ ЯНА НЕЧА ЙИЛ КУТИШ КЕРАК, БУНИСИ БИЗГА ҚОРОНҒИ.

Суҳбат асноси билдикки, залдаги ўриндиклар 40 йилча бурун ўрнатилган. Яқинда 15-қаторгача бўлган жами 1050 та ўриндик сарой ҳисобидан қайта таъмирлашга берилди. Қолганлари янгиланишини яна неча йил кутиш керак, буниси бизга қоронғи.

Санъат кошонасининг бошқа муаммолари ҳам кўп. Ертўладаги қувурларни ва иситиш тизимини алмаштириш шулар жумласидандир. Энг ачинарлиси, зални қишда иситиш ва ёзда совитиш тизими ишламайди.

Сарой мамлакатнинг маданий мерос объектлари сирасига киритилган. Уни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш давлат зиммасида. Шунингдек, бинодан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос тартиб-қоидалари бор. Вазирилар Маҳкамасининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига кўра, маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирларига уларни консервациялаш, тузатиш, таъмирлаш, фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш каби ишлар ҳам киритилган.

Мутасаддилар Халқлар дўстлиги санъат саройи том маънода маданият марказига айланиши учун зарур чоралар кўрадилар, деган умиддамиз.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Умида
ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»





Сирдарё вилояти

Ғайбулла Пошшалиев шу кунларгача маҳалладошларининг юмушларини бажариб, уч-тўрт сўм ишлаб кун кўриб юрар эди. Меҳнатга ярамай қолган, қийин вазиятга тушди... Тўғри, қўни-қўшнилари ташлаб қўйишгани йўқ. Лекин...

Лоқайдлик

У руҳий хаста. Онасидан, икки сингисидан айрилган. Янгиер шаҳар, «Давлат-обод» маҳалласи, Янгиер кўчасида яшаётганига 30 йилдан ошган. Фуқаролик паспорти бўлмагани сабаб на ногиронлик пенсиясини олади, на ҳукуматимиз томонидан берилаётган имконият ва ғамхўрликлардан фойдаланади.

Савол туғилди: паспортсиз соғлом одамни дарров жавобгарликка тортдилар. Қизиқ, носоғлом, ожиз одам паспортсиз юрaversa мумкин экан-да? Ғайбулла Пошшалиев осмондан тушмаган-ку!

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бу инсоннинг уйини чеклаб ўтаётганлар, Сизлар бунга нима дейсиз? Инсон қадри деганда нимани тушунасиз?

Баҳор **ХОЛБЕКОВА**
«ISHONCH»

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашнинг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Раъшанга Ғазиевага волидаи муҳтарамаси

Хурсанд она ИБРОҲИМОВА

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси ва аъзолари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи

Луқмон БЎРИХОН

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг oilasi ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таҳлил

Бойбўта қишлоғида яшовчи Маҳмуд Зокиров хонадонида ўтган қиш чилласида ҳам помидор пишди. Оила аъзолари унинг ҳар килосини бозорда 32 минг сўмданга сотишди. Ҳалол меҳнат орқали орттирилган соф даромад рўзғорга қут-барака киритди.

Дарвоқе, аҳоли билан мулоқотлар жараёнида ер солиғи ставкасини пасайтирувчи коэффициент томорқачиларга нисбатан қўлланилмаётгани аёнлашди. Ваҳоланки, Вазирилар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарорига кўра, маҳаллий ҳокимлик қарори билан тузилган комиссия ҳар чорак якуни бўйича (кейинги ойнинг 15 санасигача) солиқ имтиёзи сифатида ер солиғи ставкасини пасайтирувчи коэффициентни қўлаш бўйича туман ҳокимига таклиф бериши керак. Бу таклиф ердан мақсадли ва самарали фойдаланиб, туман ҳокимининг прогност кўрсаткичлари тўғрисидаги қарориди белгиланган экин турларини тўлиқ эккан, агротехник тадбирларни вақтида ва сифатли бажарган, ҳар йили камиди 2-3 марта юқори ҳосил кўтарган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандалар бош сонини сақлаган ёки кўпайтиришга эришган томорқа эгасига нисбатан киритилиши белгилаб қўйилган. Афсуски, бу тартиб-қоида Оқдарёда ҳам, бошқа жойларда ҳам ҳамон амалиётга жорий этилгани йўқ.

Халқимизда «Ҳа, деган туяга мадад!» деган гап бор. Бу демак, ер солиғини озгина чегириш ҳам томорқачилар учун катта рағбат ҳисобланади. Қолаверса, бошқаларнинг ерга эътиборини қучайтириб, ундан янада самаралироқ фойдаланишга ундайди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Мангуликка
муҳрланган умр

Хотира уйғонса — гўзал!

Дунёда шундай инсонлар бўладики, уларнинг ибрат олишга арзигулик ҳаёти ва фаолияти нафақат ёшлар, балки катталар учун ҳам ўзига хос маънавий мактаб вазифасини ўтайди. Бундай инсонларнинг қонида ҳалоллик, ҳалимлик, улуғлик жўш уради. Улар учун юртга, халққа жон қўйдириб хизмат қилиш — бурч! Улар олдига қўйган халқни мақсадлар сари қадам ташлар экан, юрган сўқмоқларида ҳам, ошган довонларида ҳам ҳамиша инсоннинг кўнглига йўл топиб боришади. Йиллар ўтиб, қалбларда қолишади...

Менинг устозим — Жасур Қулмуҳамедов ҳам умр бўйи одамларга яхшилик соғинган инсонлардан бири эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жасур Қулмуҳамедов самимий, қалби дарё, садоқатли дўст, доно раҳбар, шоғирдларига меҳрибон устоз, устозларига эса содиқ шоғирд, олижаноб инсон эди. Устоз одамлар ичида одам эди.

Устознинг ҳаёт йўлларига назар ташланса, кўз олдингизда бор куч-ғайратини, салоҳияти-ю қудратини илмфан ва таълим равнақига, ёшлар тарбиясига бағишлаган етук олим, соҳа фидойиси, инсоний хислатларга ҳамиша содиқ яшаган комил ва камтарин шахс гавдаланади.

Илм йўлини саодат билиб, комиллик сари интилган Жасур Қулмуҳамедов 1979 йилда техника фанлари номзоди даражасига эришиб, илмий тадқиқотини ўша йили Москва автомобиль ва йўллар институтини хузуридаги илмий кенгашда ҳамюҳа қилган.

Тинимсиз меҳнат, китоб билан ошнолик устозимизга 1980-1991 йилларда Тошкент автомобиль йўллари институтида ассистент, катта ўқитувчи, факультет декани лавозимларидан ўтди.

фаолият юритишида пойдевор бўлди. «Илмсиз киши бир яшар, илмли киши минг яшар» деган пурмаъно нақлни ўзига шиор билган Жасур Қулмуҳамедов Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йилдаги қарорига мувофиқ, «Ғилдиракли ва гусе-ницали машиначалар» ихтисослиги бўйича профессор унвони билан тақдирланди. Узоқ йиллик ҳаётий ва илмий тажриба натижасида 27 йил давомида Тошкент автомобиль ва йўллар техникумида директор лавозимида ишлади. Устоз ўз фаолиятида, энг аввало, ихшонада соғлом муҳит яратилишига, жамоани бирлаштиришга, аҳил бўлишга катта эътибор қаратди.

Устознинг ташаббуси ва талаби билан техникумнинг моддий-техник базаси янгиланди, замонавий ўқув асбоблари асбобларидан ташкил топди.

ускуналари келтирилди, таълим бериш жараёнида замонавий ўқитиш усуллари, яъни педагогик ахборот-коммуникация технологиялари ва мультимедиа таълим ресурсларидан фойдаланилди. Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашда ўқув автомобилларига GPS назорат тизими ўрнатилди. Таксимиллашган автотренажёр ўқув жараёнига киритилди ва таъминлаш фани бўйича 16 та ўқув услубий қўлланмалар яратилди.

Жасур Қулмуҳамедов раҳбарлик вазифасини илмий тадқиқот ишлари

Устоз қизғин фаолияти давомида Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзоси, Давлат тест маркази Нострификация хайъатида жамоатчилик асосида эксперт бўлган. 2010-2020 йилларда Ўзбекистон халқ демократик партиясидан Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига сайланган. «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод» масалалари бўйича доимий комиссия раиси ўринбосари, 2015 йилдан шу комиссия раиси сифатида фаолият олиб борди.

билан узвий боғлаб борар экан, унинг изланишлари натижалари нафақат юртимизда, балки Германия, Дания, Швеция, Россия, Япония, Хитой каби мамлакатларда ҳам эълон қилинди ва эътироф этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, устозимизнинг «Ёш мутахассисларни таъминлаш», «Тармоқ таълим стандартлари ва ўқув дастурлари», «Общие понятия по обучению управления автомобилем на тренажерах» каби илмий ишлари хори

жий мутахассислар томонидан юқори баҳоланганди.

Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми таълим ва илмий салоҳияти бўйича республикамызда ўз ўрни ва нуфузига эга. Жасур Қулмуҳамедов раҳбарлигида бу даргоҳда 6 та техника фанлари номзоди диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинган, 2 та фан доктори ва техника фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаси диссертацияси тадқиқоти олиб бориляпти.

Устознинг саъй-ҳаракати билан техникум Япониянинг «Мелком» компанияси билан 2004 йилдан бери ҳамкорлик қилмоқда. 2010 йил 14 июлда тузилган шартномага асосан «Йўл ҳаракати қондалари», «Автомобиль тузилиши» электрон ўқув дарслик ва электрон ўқув қўлланмасы DVD ва VCDда ҳамда 3D форматда тайёрланди.

Жасур Қулмуҳамедовнинг 170 дан ортиқ илмий-услубий ишлари чоп этилган. Унинг 3 та монографияси, 6 та дарслиги илмий журналларда, 18 та илмий мақоласи, 23 та олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун ўқув қўлланмасы, 85 та илмий ва 20 дан ортиқ ўқув услубий ишлари ёшлар учун катта илм манбаи ҳисобланади. Шунингдек, устоз 5 та ихтиро муаллифи бўлиб, улар асосида 14 та электрон ўқув дастури яратилган.

Устоз қизғин фаолияти давомида Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзоси, Давлат тест маркази Нострификация хайъатида жамоатчилик асосида эксперт бўлган. 2010-2020 йилларда Ўзбекистон халқ демократик партиясидан Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига сайланган. «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод» масалалари бўйича доимий комиссия раиси ўринбосари, 2015 йилдан шу комиссия раиси сифатида фаолият олиб борди.

Саховатпеша инсон Жасур Қулмуҳамедов савобли, хайрли ишларни кўп қилди. Қариялар, Меҳрибонлик уйлари, кўзи ожизлар жамиятига давомли равишда моддий ёрдам кўрсатди, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалардан беминнат кўмагини аямлади.

Талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларда мустақил фикрлашни шакллантириш, одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиш, муомала



маданияти, фаол фуқаролик позициясида бўлишга, шунингдек, оммавий маданиятга қарши имунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратди. Юртимиз тарихи, ўзига хос урф-одатлари, қадриятларини ёшлар онгига сингдириш, улар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ишларини изчил давом эттиришга бош-қош бўлди.

Устоз талабаларнинг спортга қизиқишларига алоҳида эътибор қаратди. Натижада бир қатор ўқувчилар нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

Техникумда ёшларимизни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг қалбида ватанпарварлик руҳини кучайтириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, диний ақидапарастлик, миссионерлик, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қатор тадбирларнинг мутахассислар иштирокида ўтказилишини таъминлади.

Кўп йиллик самарали меҳнат, ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлар беиз кетмади. Устоз 1992 йилда «Фахрий автотранспортчи», 2002 йилда «Ўрта махсус касб-хунар таълими аълочилиси» кўкрак нишонлари, 2006 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан тақдирланди.

Жасур Қулмуҳамедов ишга масъулиятлилиги, ҳамкасбларига эътиборлилиги, талабаларга меҳрибонлиги билан ҳамманинг хурматига сазовор бўлган эди.

Ватанимизнинг етук, комил, фидойи фарзандларидан бири Жасур Қулмуҳамедовнинг хотираси доимо фарзандлари, яқинлари, дўсту биродарлари ва албатта, биз шоғирдлари қалбида узоқ яшайди. Устоз қолдирган илмий асарлар ва ихтиролар халқимизга хизмат қилаверади.

Равшан ҲИҚМАТОВ,
Тошкент давлат транспорт университети ўқитувчиси,
техника фанлари номзоди

Саломатлик

Заҳарланмайин ва заҳарламайин десангиз...

Ёзда, жазирама кунларда одамнинг салқин ичимликлар ичгиси, муздеккина қовун-тарвузлар егиси келади. Лекин баъзан полиз маҳсулотларини етиштиришда заҳарли кимё воситалари беаёв қўлланилиши одамларнинг соғлиғига салбий таъсир қилмоқда. Шу боис истеъмолга ярамайдиган полиз маҳсулотлари еган, қўнада айрон ёки бирор шарбат ичиб, нохуш аҳволга тушиб қолган беморлар ҳақида кўп эшитамиз.

«НИТРАТОМЕТР»ГА ЗАРУРАТ КУЧАЙМОҚДА

Бундан 10-15 йил бурун япониялик меҳмонлар бозоримизда ҳўл мевалар харид қилишдан аввал қандайдир бир асбоб билан улардаги кимёвий қўшимчани аниқлаб, агар лозим топилса, маҳсулотларни сотиб олишганига гувоҳ бўлган эдим. Шуни эсладим-да, кимёвий заҳар даражасини ўлчайдиган нитратометр асбоби бизда ҳам сотилармикан, деб ижтимоий тармоққа кирдим. Ҳа, бундай қўл асбоби бор экан. Уларни хорижлик тадбиркорлар сотишар ва нархи юз доллардан бошланар экан. Менимча, тадбиркорларимиз бундай асбобни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишса, жуда яхши бўларди. Вақти-соати келиб, унинг нархи ҳам ҳамёнбоп бўлармиди?

Яқин ўтмишда полиз маҳсулотларидан заҳарланиш, ҳатто ўлим ҳолатлари ҳам тез-тез кузатиладди. Шунда ёш фарзандларимизни заҳарланишдан сақлаш учун маҳсулотни биринчи кун ўзимиз, яъни катталар ердик. Эртаси куни музлаткичда сақланган қовун ёки тарвуздан болаларга бериларди. Шукрки, бундай оммавий заҳарланишлар яқин тарихда қолиб кетганди. Аммо ўтган йили яна полиз маҳсулотларидан заҳарланиш кузатила бошланди. Шундай жазирамада полиз маҳсулотларини тановул қилишдан тийилиш ёки тақиқлаш билан масалани ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг ечимини узил-кесил топиш керак.

АЙРОН ВА ГЎЖА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Кўчадаги салқин ичимликларни тайёрлашда сувни қайнатиб, сўнг совитиб ишлатиш шарт. Бироқ тўлиқ шундай қилинаётганига ким ка-

фолат беради? Ҳатто суви қайнатилган тақдирда ҳам бунинг ўзи камлик қилади. Маълумки, айронга райҳон, олма, сузма, қатиқ каби маҳсулотлар солинади. Гўжа ёки айронга қўшиладиган райҳон ва бошқа кўкатларнинг перекись водород солинган сувда маълум вақт ушлаб турилганига ким гувоҳлик беради? Бундай салқин ичимликларни тегишли санитария-гигиена талаблари асосида тайёрлаш кераклиги хусусида одамларнинг билими етарли, деб айтиш қийин. Акс ҳолда, мазкур масала бугун кўтарилмас эди.

Айрон ёки гўжага солинадиган райҳонми, олмами хом сувда ювилиб ишлатилса, сувнинг қайнатилгани бекор. Демак, бир ишни бошлашдан олдин унинг технологиясини ҳам яхшилаб ўрганиб олиш керак. Чунки сут ва бошқа маҳсулотларни сақлаш муддати, яъни уларнинг бактерияцид фазаси бўлади.

Шундай экан, тадбиркорлар ўз йўналишлари бўйича илм олиб, маҳсулотларни тайёрлашда технологияга тўлиқ амал қилишлари лозим. Шунда мижоз қўчмайди ва азият ҳам чекмайди. Кўчаларда қўлбола ичимликларни тегишли технология асосида тайёрламасдан сотаётган шахсларга нисбатан бирон чора кўришга санитария-эпидемиология марказлари ходимларида ваколат йўқ. Бу масалани ҳам ўйлаб кўриш керак.

ГЎШТ БОЗОРИДА КУЗАТГАНЛАРИМ...

Бозорлардаги «ветлаборатория»лар ҳақида айтиш мумкинки, уларнинг аксарияти кўзбўямачилик учун ишлайди. «Чорсу»даги гўшт бозори, аниқроғи, калла-поча сотиладиган бозорга борсангиз, чиқинди гўшт бўлаклари ерга шундоқ ташлангани, уларга пашша ва арилар ёпишганини кўрасиз. Сотувчилардан «Буларни полиэтилен пакетларга солиб, махсус жойга ташламайсизларми?», деб сўрасам, қулишди. Улар хом гўштнинг чиқиндиларини ҳар куни шундай ташлашларини айтишди. Ахир бу чиқиндиларда, айтилчк, эҳинкок таёқчаси бўлса-чи? Бу даҳшатли таёқча ерга кўмилганидан кейин ҳам 20 йил

«БОТУЛЛА» ТАЁҚЧАСИДАН ЭЪТИЁТ БЎЛИНГ!

Консерва маҳсулотларини умуман фойдали, деб айта олмаимиз. Аксарият уй бекалари турли мевалардан компот тайёрлаб, қишга захира қилишади. Аммо ҳамма ҳам бундай компотларнинг қай даражада зарарли эканини ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар орқали билиб, тегишли хулоса чиқараётгани йўқ. Шуни айтиш лозимки, кислород йўқ бўлган шиша идишда, энг аввало, инсоннинг асаб тоаларини мажруҳ қилувчи, мудраб ётувчи «ботулла» таёқчаси бўлади. Бу таёқча санитария жиҳатидан тўлиқ зарарсизлантирилган идишдагина бўлмаслиги мумкин. Аммо ҳозирги экология олдингига нисбатан анча ёмонлашганини инобатга олсак, стерилизация қилинган идишга ҳам то идишнинг қопқоғини ёпгунингизгача ҳаводан микроблар ўтириши мумкин. Кейин эса улар кислород йўқ муҳитда шитоб билан ривожланади. «Ботулла» таёқчаларининг хавфи шундаки, улар бошқа микробларга ўхшаб маҳсулотнинг ранги, туси ва ҳидини ўзгартирмайди. Аммо заҳари кобра илонникига нисбатан 350 минг марта кучли бўлади. Тупроқда ҳам ўнлаб йиллар давомида турли шароитда яшаб қолади. Шунинг учун уй бекаларимиз юқори даражада санитар тозалик ва стерилизация ҳолатини яратиб, сўнг консерва ёлганларни маъқул.

Инсон соғлиғи билан ўйнашиб бўлмайди. Заруратга кўра, заводларда ишлаб чиқилган консерва маҳсулотларини сотиб олиш мумкин, аммо уларни ҳам мутлак хавфсиз, деб бўлмайди. Шундай экан, тиббиёт йўналишида узоқ



ишлаган ва шу соҳага қизиққан инсон сифатида ўз қўли билан консерва маҳсулотлари ва компотларни тайёрлаб, оила аъзоларининг олқишига сазовор бўлишни истаган уй бекаларига илмингизни оширинг, фарзандларингиз саломатлиги барча нарсадан устун эканини унутманг, деб қоламан.

Нодира ДЎСТҲЎЖАЕВА

MYACCIS:

ISSN 2020-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetolari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOILOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati — (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati — (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-99) 889-90-32
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A.Haydarov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti — 02:00
Topshirildi — 02:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 20113889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-813
Nashr ko'rsatkichi: 133
1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 30383

14052 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.